«OVOZA» кутубхонаси

Наргиза ОХУНОВА

КЎНГЛИМ

«Фарғона» нашриёти
2005 йил

Наргиза - ёш ижодкорларнинг Зомин республикавий семинарида фаол қатнашиб, шеърлари устозлар назарига тушган. Бу - Наргизанинг шеърият йўлидаги илк имтиҳони. Олдида ҳали кўп синовлар, машаққатли меҳнат ва ҳаёт сабоқлари турибди.

Шеърсевар синглимизга, энг аввало, омад, сўнгра шу қийин йўлда сабот доим ёр бўлсин!

Сирожиддин САЙЙИД.

20 / 53.52 A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

10

ҚАЙҒУ

Булутлар савалар замин кўксини,
Йўлаклар аёзга бу тонг бурар юз.
Соғинч аламзада дарддан ўксиниб,
Ғамсаро қалбимга аста чўкар куз.

Юрагим ожиза, ташвиши тоғча,
Фироқ кўнмайди ҳеч эрмакларига.
Оҳ, менинг ҳисларим тунаган боғча,
Кўмилар хазоннинг кўйлакларига.

Йиғлама, йиғлама зар либосли қиз,
Армонларга кўмиб тоқатларингни.
Осмон оёғингга ҳали чўкар тиз,
Тиланиб тилладек шафқатларингни.

Оғир ташвишини елкага ортиб,
Ҳорғин бир руҳ билан тин олар кундуз.
Соғинчдан яралган ёшини артиб,
Ғамсаро қалбимга аста чўкар куз.

***

Мискин туйғуларга тош отар фироқ,
Бир оҳ ўпиб кетди киприкларимни.
Эртагача эрта, кеча-ку йироқ,
Бугун ўғирлади шўхликларимни.

Телба кундузларнинг ҳасрати бекам,
Ёмғирлар - кўзимдан сачраган қайғу.
Армон дудоғимда лоларанг эркам,
Изтироб - кўзимга гул солган кулгу.

Хаёлим тентирар девонанамо,
Ел ўчириб борар ишқ юрган изни.
Эртаклар юртида тўлар оймомо
Ҳаётга алмашиб қўнғирсоч қизни...

ВАТАННИ АНГЛАШ

Мағрур қояларга боққанча мағрур,
Асов хаёлларга тутиндим, сингил.
Бирдан аразлади юрак қурмағур,
Мени даргоҳига қўймади кўнгил.

Ўзимча ишқ излаб, излаб бир макон
Булутлар бағрини сайладим олам.
Булут кўкрагимдан туртди ногаҳон,
Шунда ҳам мен мағрур, мен ўзимчакам.

Юлдузлар юртида саргардон кезиб,
Юлдузнинг тикони кирди оёққа.
Бўлди, ҳасратни кўк тоқига осиб,
Қиз бўлиб кетаман ҳув Олатоққа!

Ўзимчакам ўйнаб чарчамаган зот,
Чиқдим ўшал тоғнинг оппоқ бошига.
Тоғда менга паноҳ бўлмади ҳайҳот,
Қуладим тақдирнинг харсанг тошига.

Қонталаш юзимни сийпалар шамол,
Бошимдан ёғилар дунё кулгуси.
Недандир энтикиб кетдим ўша ҳол,
Карахтман, маст этар тупроқнинг иси.

Ҳайҳот, рўёларга бўлибман эрмак,
Соғинчнинг танидан ечилар кафан.
Англадим, сен менга, мен сенга керак,
Бағрингга мунча кеч топиндим Ватан.

Бўлди ўйнамайман ҳеч ўзимчакам,
Юрак - дафтарингдан киборни ўчир.
Магар сийнангга кеч бош қўйган эсам,
Ватан, ўйинқароқ болангни кечир.

ҲУРРИЯТ ТОНГИ

Кўкда учиб келар бир тўп турналар,
Елкалаб баҳорнинг оппоқ тонгини.
Гўё тонгларнимас келтирар улар
Ҳуррият рангини, эркнинг рангини.

Кўкда учиб келар бир тўп турналар,
Рутубат пардаси йиртилган чоғда.
Хаёлдай кетидан эргашган еллар
Ортда қолиб кетар етолмай доғда.

Кўкда учиб келар бир тўп турналар,
Чайқалиб самонинг қайиқларида.
Қўл чўздим қўлларим етди кўк қадар,
Осмон, менга ҳам бер қўшиқларингдан.

Ҳуррият, эрк қучган оппоқ тонгларда,
Юзимни завқларга чайгим келади.
Битта юрак ясаб тонгги ранглардан,
Фақат шу юракни суйгим келади.

Бу тонг ҳур қушларнинг қанотларида,
Кўклам олиб келди илҳом чечагин.
Осмон саҳросининг сарҳадларида,
Кезмоқда баҳорнинг сирли эртагин.

Баҳор, елкалари осмонлар қадар,
Учдим, қучгим келиб кифтларингни ман.
Англадим, булутга қоқилганим зум,
Оёғим узилмиш она-заминдан.

Гарчи осмонларни қанчалар севмай,
Ернинг нафасида дукуллар юрак.
Гуллар ғийбатидан оғринмай, безмай,
Замин ҳаёт демак, демак ҳур эртак.

Кўксимни эзади бир дам хавотир,
Орзулар саҳросин кечиб келаман.
Ернинг боласиман, лекин барибир,
Бир марта осмонни қучиб келаман.

ЗОМИН ЭТАКЛАРИДА

Ғурур кўчиб келди қароқларимга,
Банд этди кўнглимнинг далаларини.
Ва қондош сайладим ўзимга, мағрур -
Қоялар - заминнинг болаларини.

Иғводан сарғайган беҳис даштларда,
Изғидим беватан шоқолдай, сордай.
Тоғлар узмас ердан томирларини,
Қоялар туғилган ғурурдан, ордан.

Дема тили йўқдир, жони йўқ унинг,
Тоғлар биз илғамас қудратга қодир.
Улар алишгандир тилни мардликка,
Ёвга тик кўксини очган баҳодир.

Қоялар - заминдан унган ердарахт,
Сайланмиш бардошнинг якто бегига.
Қоялар - ўлимдан бегона ботир,
Чўкса ҳам чўкарлар ўз бешигига.

ОНА

Қўлимда тилсимли кишанлар гўё,
Она бу жонимга уя солган ғам.
Балки ҳаёт асли ўткинчи рўё,
Дунё дунёмиди, Сизни кўрмасам.

Шугина дардгинам - пиёламда чой,
Яримта соғинчим дастурхонимда.
Сизнинг кўнглингиз-да зада, ҳойнаҳой,
Хуморингиз елар қаҳкашонимда.

Она, англамадим, бахт нима асли,
Оҳ, нега кўкларга отибман ўзни.
Фидойи дермулар меҳрибонини
Ягона бахтим деб билмаган қизни.

Дардли нигоҳларда мудрайди қайғу,
Ғам тўла қалбингиз пора мени деб,
Биламан, ҳавасли сандиғингизга
Меҳр-муҳаббатдан йиғмоқдасиз сеп.
Тонглар алдамчидир, эртаклар ёлғон,
Кеч билдим, рўёга овунганимни.
Бугун жон-жонимдан сездим, онажон,
Сизни ҳаммаданам соғинганимни.

ҲИЖРОНЛИ ХОНА

Яна оқшом чўкди, чекинди кундуз,
Яна илиб қўйди кўкка ойни тун.
Кириб келаяпман хонамга ёлғиз
Ортганча елкамга айрилиқ юкин.

Эшикни очаман, хона зим-зиё,
Бирдан вужудимда ўрмалар ҳадик.
Бамисоли ҳайкал тош қотиб гўё,
Кимнидир қўмсайман ўй сурганча тик.

Ёдимдан ўтади фараҳли дамлар,
Мен қалбни ўраган гулнинг япроғи.
Кўксимда сел бўлиб турмай аламлар
Қанчалар оловди ишқнинг қучоғи.

Соғинчлар ўпганда яноқларимдан,
Қанот боғлаганди оппоқ тилаклар.
Бу тун қайғу балққан қароқларимдай,
Йиғлайди ишқ шодон кезган йўлаклар.

Хорликдан қон йиғлаб, эвоҳ, ўзини
Орзулар армоннинг дорига осди.
Кўргандай севгининг қора кўзини
Мен қора тунлардан қўрқаман рости.

Ичкарида кутар дардли деворлар,
Кечалар кўз ёшга кўмилган болиш.
Мен учун азобдир, қанчалар азоб
Бу кеч ҳам ҳижронли хонада қолиш.

ҲАЛИ ЭРТАК ТУГАГАНЧА ЙЎҚ...

(оқ шеър)

Ҳали эртак тугаганча йўқ,
Ҳали ечилмаган жодулар сири.
Шайлаб ботирларни олис сафарга,
Ҳамон ўғирларлар маликаларни
Ялмоғизлар макр уруғин ёғдириб.
Ҳали эртак тугаганча йўқ,
Ҳали ҳурлар кўчиб келиб самодан
Бунёд этажаклар чин ишқ боғини.
Ҳали нур ёғилар кўкдан оппоқ нур,
Парилар гул тўшар мардлик пойига,
Ботирлар қайтарар маликаларни.
Ҳали эртак тугаганча йўқ,
Ҳали юлдузлардан кияман қабо.
Қадаҳни тўлдириб ичарман нурни,
Кутгум довонларни ортда қолдириб.
Ҳали осмонларни тутиб кафтида,
Отнинг дупуридан титраганда ер,
Келиб қолажакдир кенжа ботирим...

ИСМИГУЛ

Эрка тонгларимда эрка бекачам,
Исмигул, исингни қўйнимга солсам.
Дудоғингдан томган гулобни ичиб,
Бир томчи шабнамга айланиб қолсам.

Бу кўҳна дунёлар бир сурат сенсиз,
Тиз чўкмам ёлвориб беҳуд фанога.
Тилимда айланар каломим ёлғиз:
«Ман ишқман, ман ишқ деб, келдим бинога!»

Бошингда фалаклар саргардон, сармаст,
Кунлар нур тилайди қароқларингдан.
Ман ишқман, кўксингга сиғмаган бир хас,
Тўкилиб боряпман тирноқларингдан.

Тоқат товонимга санчийди пичоқ,
Ажал - шу жонимга тикилган кўзинг.
Гулим, ўқ наштаринг кўксимга сайиб,
Сочларинг дорида ўлдиргин ўзинг.

Исмигул, о менинг Исмигулгинам,
Дил карахт, исмингни тилимга олсам.
Кўзларинг ёшига ишқимни чайиб,
Ўзим дур ашкингга айланиб қолсам.
Исмигул...

КЎНГЛИМ

Кўнглим, аразлама мендан мунчалар,
Озорли дардларим бағринг тиғласа.
Бир дунё ишқ сиққан осмон кўксингга
Наҳот муштдеккина дардим сиғмаса.

Бахтни қидирибман армон кўксидан,
Изтироб тоғидан излабман меҳр.
Эртакли тушларим келди аксидан,
Кўнглим, сен-да мендан юз бурма ахир.

Йиғладим осмонлар қулади ерга,
Ёмғирлар чўмилди кўз ёшларимда.
«Наҳот юрагингни еб қўйган тошлар!»
Илтижо инграйди бардошларимда.

Сочларим торида шивирлар озор,
Тўкилган дардимни териб оламан.
Майли, кошонангдан бермасанг паноҳ,
Булутлар бағрида тунаб қоламан.

Кўнглим, аразлама мендан мунчалар...

БУГУН

Бугун лашкар тортиб чиқдим сафарга,
Қалбингиз қалъаси забт этмоқ учун.
Гарчи ишқим бўйи осмон қадар-да,
Қалбингиз тоқи лек ундан-да устун.

Биламан, манзилим жуда олисда,
Сабр саҳросидан ўтмоғим керак.
Гарчи дарё юрак андак ожиза,
Барибир менг сизга етмоғим керак.

Олдда бораяпман шарафни қучиб,
Миниб хаёл отлиғ учқур саманга.
Менинг садоқларим ўтли киприклар
Жо бўлмиш қош отлиғ соҳир камонга.

Эртанинг энг тоза орзуларидан,
Кўз ёшда саралаб танладим навкар.
Сизнинг аразингиз бўйингизчадир,
Менинг илинжларим коинот қадар.

Учрашдик икки қалб чегарасида,
Сиз ғазаб, мен меҳр қалқонин қучиб.
Дард мағлуб, висолдан ясаб жуфт қанот
Кетайлик мангу бахт юртига учиб.

ҲАЙРАТ

Ҳайрат, хаёлимда Қақнусиммисан
Ва ё Кўҳи Қофдан келган паризод.
Ҳайрат, довулларни қилмайсан писанд,
Келсанг, аламларнинг нағмаси барбод.

Ҳайрат, кавкабингдан таралган ёғду,
Сўқир кўзларимга нур бўлиб инди.
Ҳайрат- илинж отли ёғдули туйғу,
Ювмоқда кўксимдан оғриқли кирни.

Ҳайрат, сен йўғингда ўт ёқиб кўкка,
Армон олиб кетди висолни, ишқни.
Ҳайрат, айриликдан вужудим тилка,
Кўзданмас, кўксимдан оқиздим ашкни.

Ҳайрат, сенсиз дамда хаёлни судраб,
Кўз тикдим йўлингга, кўз тикдим бедор.
Ҳайрат, келганингдан бўронлар титрар,
Келдинг, сен-ла келди ёғдули наҳор.

Ҳайрат, ҳайратгинам, эртакли тундай,
Қорачиқларимда жо бўп қолсангу,
Ҳайрат, кетма токи нурафшон кунлар,
Шодлик шаробидан маст бўлсин мангу.

ТУН ҚУШИ

Бир кеча деразам остида недандир маъюс, гўё гамлар исканжасида кишанбанди тун қуши ўтирар, унинг мунгли нигоҳида кундузга, нурга интиқлик, эртакли тонглар согинчи мангу қотиб қолгандек эди.

Ғамбода деразам остида,
Мунғайиб тун қуши ўлтирар,
Оловли кипригим устида
Ғам мени, ғам мени ўлдирар.

«Изтироб, қўй тилма кўксимни»,
Кўзимда тун қуши қичқирар.
Биламан, муҳаббат юртида
Бу кеча кун ботиб кеч кирар.

Кутганим, келдингми, тун қуши?
Йиғлама соғиниб кунларни.
Кундузнинг гумондир қайтиши,
Тарк этма ғампора тунларни.

Кўз - дарахт силкитар баргини,
Азроил авзоли ҳисларим.
Сен каби тунларда беркиниб,
Хазонга чўмилди юзларим.

Ғамбода деразам остида,
Мунғайиб тун қуши ўлтирар.
Чиқолмай аламнинг қасдидан
Энди дил ғамларни ўлдирар.

Қўй, тоқат, осилма бўйнимга,
Йўқ, суйма мен ишқи сағирни.

Соғинчни яшириб қўйнимга,
Сочимга тақяпман қаҳрни.

Кўзимдан қулаган изтироб,
Кўксимда осилган хилқатим.
Телба руҳ, телба дард, телба ишқ,
О, менинг қисматим, қисматим!

Ғамбода деразам остида,
Мунғайиб тун қуши ўлтирар...

ТАШҚАРИДА ИЗИЛЛАР ЁМҒИР

Ташқарида изиллар ёмғир,
Деразамни чертқилар шамол.
Орзулар гунг, умидлар сағир,
Паноҳ излаб дард кечар хаёл.

Савалайди томчилар, дардчил
Хазонларин кузатар дарахт.
Ҳижрон - қамчи, фироқлар - қамчи,
Кун кўзидан кўтарилар шаҳд.

Ёғаверди ёмғир, бемажол
Замин эмар фалак қонини.
Кўкда йиғлар булут телбаҳол,
Кўнгил кияр ғам чопонини.

Тонглар қақшар, осмон тўкар ёш,
Кун лабидан учар ифорлар.
Ер кўксида уйғонар бардош,
Ҳали келар оқ руҳ баҳорлар.

Ташқарида изиллар ёмғир...

ЮРАК

Шамол ўғирлади туйғуларимни,
Эрмаклаб дарахтнинг шохига илди.
Барглардек тўкилар ҳисларим бедор,
Наҳот сен бу ҳолга, юрагим, кўндинг?!

Кўндинг, соғинчларнинг айролиғига,
Қара, чекинмоқда висол оқшоми.
Қасоскор армонлар лашкар тортганда,
Кўксингдан ўчмоқда ғурурнинг номи.

Қара, еллар сени алдагани рост,
Қара, тиз чўкяпсан бемажол, беҳол.
Сени мағлуб кўрмоқ истамай бехос
Ерга қулагуси кўкдаги ҳилол.

Пажмурда кўксингдан сизиб оқар қон,
Қайга босасан бу бағри тилкангни.
Балки неча йиллар тоғ бўлган ғамлар,
Босиб қолаётир шу кенг елкангни.

Шамол ўғирлади туйғуларимни,
Дарахтнинг шохига илди эрмаклаб.
Наҳот ғам қулатган ғариб дўстингни,
Тутиб қололмайсан тиргаклаб...
Юрак...

20 05
5345 R
A
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

***

Висол остонамда турар мунғайиб,
Хаёл юрагимдан сўрайди паноҳ.
Фироқ - инжиқ синглим қолди уйғониб,
Ишқсиз тунларимга қўнганда гуноҳ.

Ўн икки тулпорда депсинади вақт,
Айрилиқ байроғин тутганча кўкка.
Мендан араз қилиб кетиб қолди бахт,
Ортидан бордим мен, ишқ қолди якка.

Бордим юлдузларнинг кошонасига,
Рўёлар кўшкидан оқар хаёлот.
Аммо хотиралар остонасида
Армон аждарига ем бўлдим, ҳайҳот.

Кўксимда жон берди бардош телбаҳол,
Қонимдан бўзарган шафақ қонталаш.
Товонимни янчар чиркитли малол,
Руҳсиз танам узра изтироб дардкаш.

Қўрқувдан қичқирар оҳарган кўча,
Руҳимни кавшарди ёвуз беомон.
Аза рўмолини ўраган кеча,
Кеча даҳшат ичра титрайди ҳамон.

НИГОҲИНГ

Нигоҳинг қадалса кўксимга,
Кипригим ҳўл қилар бир илинж.
Изтироб чекинар бўғзимдан,
Яноқда гуллагай ҳур севинч.

Боқасан кундузнинг расмидек,
Кўзларинг сўзимни синдирар.
Оловли нафасинг тафтидек
Кафтларинг кафтимни ёндирар.

Куласан, кулгунгда моҳ балқар,
Юлдузлар юзингга кулдиргич.
Қўлимда тутганинг қалб қалқар,
Ўйларинг хаёлни юлдиргич.

Қувончнинг қасри бор кўзингда,
Бахтингдан этагим тўкинли.
Ўт пуркар оловли сўзингдан,
Кул бўлиб қоламан, шекилли.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Хонада аразлаб қолди болалик,
Бораяпмиз сокин йўлаклар аро.
Сониялар оша югурар ҳадик,
Соғинч кузатади бизни ғамсаро.

Мунг сақлар зиналар, қадамлар оғир,
Эрта этагимиз тутади шошиб.
Кечаги беғубор ўйлар бирма-бир,
Биздан йироқ кетар зиналар ошиб.

Хонада аразлаб қолган болалик,
Силкитар мулойим қўлчаларини.
Сўнгги бор юлдузлар ўйнаган кўҳлик,
Кўзкўзлар эртакли кечаларини.

Ҳайрат яширинган киприклар ўтли,
Лоларанг тус олмиш яноқларимиз.
Гоҳ кўкка бўй чўзган орзулар тотли,
Гоҳ ҳадикни қучар нигоҳларимиз.

Ёруғ хона бўм-бўш, ўриндиқлар бўш,
Ғамгин деразадан мўралар кунлар.
Қароқларга кўчди бамисоли туш,
Илк севги кўйида ҳижронли тунлар.

Ўртада сукунат кезар безовта,
Яноқларда гоҳ бахт, гоҳ қайғу туси.
Шу дам чорлаб бизни хонадан аста,
Жаранглар сўнгги бор қўнғироқ саси.

АСЛИДА

Армоннинг кўшкида асирман,
Панжара ортида қулар дард.
Хоргина, хоргина кўнглимнинг
Кўксига осилиб қулар гард.

Қўлимда соғинчдан кишанлар,
Занглаган ишқ ғамга йўғрилар.
Гавҳари бисотим кўнглимни
Обкетти дунёси ўғрилар.

Руҳ бева, вужуддан оқар қон,
Ғам ётар гулобдек симириб.
Бечора дунёнинг ярмини
Қабоҳат бормоқда кемириб.

Панжара ортида кулар дард,
Ўзича қалб ясар эрмакдан.
Аслида мен ўзим кўнгилни
Ўғирлаб олгандим эртакдан.

Аслида мен ўзим...

***

«Биз бахтли бўламиз худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса учрашармидик».
Муҳаммад Юсуф.

Сочимдан соғинчни юлиб олайин,
Синдириб ташлайин ғам тароғини.
Туйиб кўзларимга сурма қилайин,
Сиз бахт деганингиз ишқ фироғини.

Осмонга десангиз бирга кетайин,
Йиртиб булутларнинг кўйлакларини.
Ёлғизим, мен ёлғиз сизга айтайин,
Эрка дилгинамнинг эртакларини.

Эртага... Эртанинг этаги тўкин,
Эрта келаверар эртани топиб.
Эртага мен бахтли бўлмоғим мумкин,
Бугуннинг ғамини эртак-ла ёпиб.

Эртага... Эртанинг этагин тутиб,
Эртакни тўлдириб... Келасиз, эркам.
Эртага мен бахтни оламан ютиб,
Гар худо хоҳласа учрашармиз ҳам.
«Биз бахтли бўлармиз худо хоқласа».

* * *

Бир куни кетарман олисга,
Вафодор армонга осилиб.
Жаноза ўқирлар дарахтлар,
Дард қолар дардимда эзилиб.

Бир куни ҳув баланд осмонда,
Учарман жуфт қанот чиқариб.
Ел қолар ортимдан ер чизиб,
Ишқ дайдир ишқимни ахтариб.

Бир куни ўланчи Оймомо,
Тун билан айтишар ёр-ёр.
Юлдузга турмушга чиқаман
Ва кўкда яшаймиз бахтиёр.

Бир куни хаёлим иккимиз,
Гул тўшаб эртакнинг пойига.
Бош олиб кетамиз узоққа,
Орзунинг энг оппоқ жойига.

ИЗТИРОБ

Кипригимга томар томчилар,
Қалб тоқидан бўралайди ғам.
Қаҳрли тун, қаҳратонли тун,
Сочларим нам, қабоқларим нам.

Лабларимда муз қотар севинч,
Соғинч мудрар қароқларимда.
Менга қайғу унут бўлган кун
Аёз қақшар оёқларимда.

Оҳли юрак, пажмурда юрак,
Дард ёмғири ювар юзимни.
Висол бугун бағрингда алам,
Ғам супурар ғамли изингни.

Қаҳрли тун, қаҳратонли тун,
Аёз қақшар оёқларимда.
Менга соғинч унут бўлган кун
Дардлар қулар тирноқларимдан.

***

Армонларнинг этагин тутиб
Кундузларим алвидо айтди.
Яна ғариб остонамга ғам,
Юрагимга ҳижронлар қайтди.

Нигоҳимда унган илинжлар,
Хаёлимдан кетди ариниб.
Кўнглингиздан оғриниб тердим,
Шум қисматнинг алдовларини.

Ўгаймиди баҳорлар бугун,
Ишқимга гул ўраб бермади.
Сизни менга момақаймоқлар,
Худойимдан сўраб бермади.

О, жонимда далли озорлар,
Соғинчимнинг синиқ патлари.
Суйдиради дийдорингизни,
Айрилиқнинг илтифотлари.

Мен Баҳорга ёлвориб қайтдим,
Осмонлардан тиландим тўзим.
Кундузларим алвидо айтди,
Армонларга бурганча юзин.

***

Гарчи давраларда чақноқ юлдузман,
Шоира десалар юрагимда чўғ.
Аммо бобом экқан кекса чинорнинг
Битта япроғича яшолганим йўқ.

Япроқ-ку, гарчи оз умрининг они,
Бироқ муштеккина кўксида кулар
Қанча ҳорғинларнинг дарду армони,
Қанча ҳаёт отлиғ масрур чизгилар.

Менчи, мен шавкатнинг қулиман холос,
Ўзимчакам моҳи ҳилолман тунда.
Ҳисларим фаслида на баҳор, на ёз,
Аёз уриб кетган қалбимни бунда.

Наҳот осмонўпар минораларда
Яшаб чарчамадим бетонлар аро.
Болалигим чопган тош йўлакларда
Далли туйғуларим кезар ғамсаро.

Сизни унутдимми, яйдоқ далалар,
Митти оёқчамни қонатган кўча?
Кўнгил дафтаримдан энди мўралар
Тўлин ойли кеча, эртакли кеча.

Гарчи давраларда эркаман шодмон,
Мақтовлар сеҳридан юрагимда чўғ.
Асли ҳовлимдаги кичик гиёҳнинг
Митти умричалик яшолганим йўқ.

***

Маъюслик аллалар ҳайратни аста,
Япроқлар қулайди кошонасидан.
Оҳ кўнглим, у биздек бенаво, хаста,
Зорланар аламлар остонасида.

Дарахт йиғлаётир безабон, беун,
Хазон кўмиб борар этакларини.
Баргларга битар у мадорсиз, маҳзун
Соғинчга айланган эртакларини.

Боқиб хазонрезги йўлакларгами
Изтироб кулади, йиғлайди недан?
Токи узиларда жим кетмагани
Йиғлашни ўргатгин, дарахт, менга ҳам.

***

Балки мен мағрурман кераклигича,
Назарим илғамас нимани, кимни.
Эҳтимол яратган шу улуғ Раббим,
Қоялар кўксидан қорган лойимни.

Не илож, руҳимда дукиллар ғурур,
Илдизлаб ётибди томирларимдай.
Яшаб бўлармиди ор - кўм-кўк қонсиз,
Оримсиз қуригай томирларим-да.

Дақиқалар аро бораман безиб,
Ғурурсиз кунларнинг қафасида дим.
Уялиб осмон-ку, тўсади юзин,
Орини еб қўйган сукунатлар жим.

Балки мен мағрурман боридан ортиқ,
Ортиғимни ортга ташлаёлмайман.
Эҳтимол мағрурлик Ҳур Гуноҳимдир,
Шу Ҳур Гуноҳимсиз яшаёлмайман.

***

Ой хиралар қабоғи шишиқ,
Аста ёрар кечанинг кўзи.
Нур оқади дераза тешиб,
Ўчирилар нигоҳлар изи.
Бўзаради юрак...
Кўчалар.
Шовқин ўпгач, уйғонар яна,
Саҳар кунга кўйлак бичади
Кўк заминга туширар ойна.
Ҳолсизгина инграрнар эшик.

Лабларимда дудланар тутун,
Сиз кетасиз... Ранг-қути ўчиб
Пойингизга йиқилади тун
Ва гунггина илтижоларим.
Шафақларни оқлаб ўтади,
Асов отдек ҳисларим маним
Ёдингизни хоҳлаб кетади.

***

Азизим...
Жонимда ёнар изтироб,
Тўшагим юлдуздек титроқлар безар.
Сўнгги бор кўзингни этсайдим тавоф,
Ўлимнинг шарпаси хобимда кезар.
Мужгонларим аро сўнар тириклик,
Димоғимга инар видолар ҳиди,
Раббим, қисматимни қамарнинг мунглиғ,
Кемтик рухсоримдан яратганмиди?!
Сочларим сўнгги бор симирар зулмат,
Қўрқув мўралайди бот-бот наридан
Руҳим эшик очиб, яна бир фурсат,
Учар чил осмоннинг туйнукларидан.
Азизим...
Висолинг йироқдан йироқ,
Биламан, севгингнинг сўнганлигини.
Бу ҳур, фаришталар тушунмас бироқ,
Ишқ ўлган кун мен ҳам ўлганлигимни.

ТОНГ

Ёрилди бардошнинг қорни тарсиллаб,
Жунжиккан хаёллар борар исиниб.
Силласи қуриган тун бир ҳарсиллаб,
Саҳронинг кўксига отар ўзини.

Асов ҳислар мисол шаббода селпир,
Шохларда ҳилпирар яшил қанотлар.
Кўйлаги йиртилган булутлар бир-бир,
Тонгнинг қўшиғини жимгина ёдлар.

***

Ўн тўртимнинг хотирлари айвонимда,
Айвонимда ўн тўртимнинг хотирлари.
Банди бўлдим кўҳна ғамлар карвонига,
Занжирлади дақиқалар занжирлари.

Бўғиламан лаҳзаларнинг қучоғида,
Қулфи синди сукунатнинг сандиғини.
Титроқ унган соддагина қийноғимдай,
Ҳисларимда лаҳзаларнинг чандиғими.

Қуриб қолди кўзларимнинг жодулари,
Жодулари кўзларимнинг қуриб қолди.
Орзулари ўн тўртимнинг жодулади,
Орзуларим саратонда туриб қолди.

Соғинч сўраб соғинчингда тўлиб қолдим,
Юрагимнинг деворлари нураб тушди.
Адоликнинг адоғида кулиб қолдим,
Адоликлар юрагимга қараб тушди.

Ўпкалама, ўн тўртимда нозирачам,
Соғинчимга оқ оралаб қариб бўлди.

Кутилганим, Унутганим, Хотирачам,
Севгунингча ўн олтига кириб бўлдим.

***

Хотиралар бирма-бир тунар ёдимда,
Оқшомлар чўкинар кўзларимга жим.
Юрак вужудимда улкан одамдай,
Ўсиб бораверар таранглаб қаддин.

Гуноҳлар руҳимга кийдирар нимча,
Савалаб ўтади кунлар нафаси.
Яшай ололмабман истаганимча,
Кўзимга қулф илди тунд ҳислар саси.

Юзим пардозлаган турфа чокларда,
Тилимда буруқсаб пушаймон тутар.
Қора тепаларим - армон ёқларда,
Эзғилаб қўйганим Ўзлигим ётар.

Кўмгум, ҳисларимни Булутга кўмгум,
Вужудим шишиб кетди оҳдан кўк қадар.
Мен оппоқ деганим қоп-қора умрим,
Бўйнимда ип тортган гуноҳваччалар.

Нолалар потирлар кўкрагим ичра,
Сесканиб кетади мудроқ изтироб.
Нуқталар туташар, ловиллар кеча,
Қайғулар хобимни этарлар тавоф.

Юрак улғаймоқда, кўксимни тепар,
Юрак ёниб борар мен сўнган сайин.
Вужудим ғамларга хароб култепа,
Мен энди мозийман қадимдан қадим.

Юрак улғаймоқда...

***

Насижон... Мен қандоқ яшадим сенсиз?
Саратон қовжираб, қотиб қишларда.
Орзулар гупирган болалигимиз,
Нақот кўмиқ қолди тандирпишларда...

Биз сийпаб уйғотган лолақизғалдоқ,
Узун попугингга қўнган капалак.
Ўрик шохларида қолган арғумчоқ,
Ёмғирмас ёғдуни шопурган фалак.

Чағир қузғунларга ем бўлди дилим,
Кўксимни Дард отлиғ кишан банд этди.
Ўтди хотиралар тилимни тилиб,
Соҳир эртагимиз поёнсиз битди.

Қуюнлар чувалаб ташлаган ўйлар,
Тупроқ кўчаларда қолди изимиз.
Чириган бардошлар увалиб тушар,
Оқар чок юракдан соқинч сизилиб.

Насижон... Сен қандоқ яшадинг менсиз?
Фироқли кечалар ичиб ғамдан бол.
Хотирларга кўчган болалигимиз,
Лоладек бағрингни доғлар эҳтимол...

Насижон...
Биз қандоқ яшадик ишқсиз?..

***

Тун аста елкамга бошини қўйиб,
Тин олар, кўксида ҳижроннинг расми.
Яшайман соғинчдан изтироб туйиб,
...Сиз келасизми?...

Йўл олис, олдинда йироқлар ётар,
Руҳимни кемириб фироқлар ётар,
Кўзимга яхлаган сўроқлар ботар,
...Сиз келасизми?...

Кўксимда кўкарди фиғонлар, оҳлар,
Бизни айро тутар улкан гуноҳлар,
Эрта соғинтирса хумор нигоҳлар,
...Сиз келасизми?...

Остонам тош қотди тошлар дастидан,
Пойимда сарғайган бошлар дастидан,
Юлиб изтиробни кўнглим остидан,
...Сиз келасизми?...

Келинг, Бардош тўлди озорингизга,
Нигоҳим топинсин дийдорингизга,
Бир бор карам айлаб нигорингизга,
...Сиз келасизми?...

ЭРТАКЛИ ТОНГ

Эртакли тонг. Осма беланчак
Тебранади аллага монанд.
Тебранади ёғдули фалак,
Қуёш нурмас гўё сочар қанд.

Эртакли тонг. Осма беланчак -
Чақалоққа кошона, сарой.
Ой мажнунтол, сулув келинчак
Она бўлгач, очмоқда чирой.

Гўё мангу тонгнинг қучоғи
Аллаларга ғарқ мурғак олам.
Кекса дунё кўзин қароғин
Қизғонар пок нурли тонгдан ҳам.

Ой мажнунтол узолмасди кўз,
Беланчакка термулса ёниб.
Мағрур шамол деёлмай бир сўз
Кетди кўҳна ғурурдан тониб.

Эртакли тонг. Осма беланчак,
Нурли иқбол арғимчоқ унга.
Кекса дунё тилайди тилак,
Эртакли тонг гал бермас кунга.

Эртакли тонг. Осма беланчак,
Ёғдуларга чулғанар олам...

***

Фироқнинг кўйлаги тор келар,
Кўнглим-а, бунчалар хор келар.
Кўнглим-а, озордан тилинган,
Йўлимда озорлар бор келар.

Оҳим-а, осмонга сиғмади,
Кўзимда ёмғирлар йиғлади.
Изтиробю тиғлади, тиғлади.
Дардима қайдан-эй кор келар?

Бу найин қисса-ки, сўнги йўқ?
Ишқмиди кўнглининг кенги йўқ?
Фақирнинг дунёда тенги йўқ.
Ишқим-а, бўйнима дор келар.

Оламда қолсагу сан-да, ман...
Энг ширин гуноҳим анда ман -
Зулфинга бандаман, бандаман.
Зулфинга зорланиб зор келар.

Фироқнинг кўйлаги тор келар.
Бошима ҳижронлар бор келар.
Бошим-а, ҳасратдан эгмагил -
Эрта-кеч ноз ила ёр келар.

* * *

Мағрур шамоллардан ўтиндим бугун,
Шиддат сўраб эдим суронли - шонли.
Беғубор булутга ёлвордим кейин,
Ёмғир тилагандим кўм-кўк осмонли.

Оймомо, оппоғим, кулчангдан ташла,
Майсалар силаган эртакларимга.
Юлдузлар, нур беринг, шодликка ташна
Осмондан ёғилган эртакларимга.

Камалак, бир дона рангингдан бергин,
Оппоқ тушларимни бўяйин унга.
Капалак, ўзингга гапим бор секин,
Кел, бир сайр этайлик қуёшли кунда.

Гуллар, атир беринг ёноқларимга,
Токи ел ўтганда олсин димоғин.
Дарахтлар, куч беринг оёқларимга,
Кезиб чиқай ҳали самонинг боғин.

Гўзаллик, қаърингга тортиб ол мени,
Эрка болаликнинг митти изиман.
Хаёл, бўйларингдан бир қучай сени,
Мен ширин орзунинг ширин қизиман.

* * *

Юракноласини бошлади яна,
Ғампечак тоқига чўзаберди бўй.
Бу тун чок кўнглимда дардли тантана -
Бу кеча Фироқнинг саройида тўй.

Югурдак Ҳасратлар ерга қўймас из,
Елиб дасурхонни безатаётир.
Қисматмомо эса айни ҳазин куз,
Соғинчни куёвга узатаётир.

Ой хониш бошлади. Юлдузчалар жўр,
Тақдир қишлоғида янграйди ўлан.
Соғинч бораётир товланганча ҳур,
Армонга ўранган муҳаббат билан.

Кеча шод эди у хуррам эди у,
Гулгун ёноғига гул солганда бахт.
Кўзи кир Ҳижронлар макридан мангу,
Тоза ҳислар карахт, энди қалб карахт.

Илтижолар қотар қароқларида,
Висол оқшомини қоплади тўзон.
Етим хотиралар адоқларидай,
Шохларда қуриган орзулар хазон.

Андуҳ ловиллайди, муз қотар андуҳ,
Нолишлар ўт олар, авжида ўлан.
Соғинч босиб ўтар остона беруҳ,
Дард қолди девона туйғулар билан.

Юрак ноласини бошлади яна,
Ғампечак тоқига чўзаберди бўй.

Бу тун чок кўнглимда дардли тантана -
Бу кеча Фироқнинг саройида тўй.

* * *

Дарахтман... Адолик шохларим аро,
Инқироз кемирар илдизларимни.
Нурсиз баргларимга дардин қадаб тун,
Изтироб ямлади кундузларимни.

Танҳоман, ёлғизлик танамни кесар,
Умидни кутаман ҳайбатли йўлда.
Тўрт ёнимга экиб озорни гулдай,
Фалак-чи, бераҳм, гардуни - кунда.

Япроғим - қисматлар битилган китоб,
Интиҳо айтилар Арманистонда.
Ибтидо ясалар Бахтлар юртида -
Менинг хаста танам қулаган онда.

* * *

Мени соғинтирди тошлоқ кўчалар,
Ажриқлар тўшалган маюс остона.
Юлдуз санаганим ойдин кечалар,
Изтироб ўрлаган кўзларинг, она.

Мени соғинтирди буғдойзор, дала,
Тонгги саболарнинг ўйноқи саси,
Мезон. Пахтазорда иш қайнар палла,
Шижоат пуркаган куннинг нафаси.

Мени соғинтирди бойчечак атри,
Илк кўклам гуллаган оппоқ бодомлар.

Ўкинсам, кўзимда қатра ёш қалқиб,
Опичлаб юпатган азиз дадамлар.

Мени соғинтирди тандир ҳам ўчоқ,
Саҳар онам ёпган кулчалар иси,
Қорачиғи мунчоқ, қўлчаси дўмбоқ.
Эркатой укамнинг йиғи-сиғиси.

Ҳамон соғинтирар ўйлар, қийноқлар,
Айрилиқ кўксимга нишин урган пайт,
Мени соғинарми момақаймоқлар?..
Қишлоғим, сен мени соғиндими, айт.

* * *

Дилнозага.

Ғулим, гулзорингнинг гули бўлмадим,
Гулим, озорингнинг қули бўлмадим,
Далли дилгинангнинг дили бўлмадим,
Бир хас бўлолмадим чаманзорингда.

Келдинг, остонамда қувончлар унди,
Кўксимда нур эмиб, ишончлар унди,
Сансиз дунёнида не қилай энди.
Юрак нола қилар ишқ дуторингда.

Орзу кўзларингда тош қотди бу рост,
Соғинчлар аёзда совқотди бу рост,
Далли кўнгилчангга қўл солган нохос-
Ўша изингга зор дилозоринг-да.

Ишқимни отаман оёқларингга,
Руҳимни кўмаман қароқларингга.
Биргина гапим бор қулоқларингга:
«Эркам, яшарманму йўғу борингда?»

* * *

Фалакнинг хобига ўрмалар юлдуз,
Тун зулмат тўкади қоп-қора жомда.
Яланғоч шохларда кўмилади куз,
Ним кўтариб ботар муниса шомлар.

Ой балқиб сузади қора қайиқда,
Ойдин кўчаларда оқар сукунат.
Шаббалар оралаб улкан айиқдай,
Мудрайди нуроний бардош ва тоқат.

Оқ нурдан тўлишган оппоқ хонада,
Етим хотираларга сен-да тиз чўкиб.
Мен мағрур май сузиб ғам пиёлада.
Оқ Соғинч дарёда боряпмиз чўкиб.

***

Кулранг рўмолини ўради қамар,
Хира ёғду аро селпинар токлар.
Куннинг гулханида тандирдай қизган,
Сокин нафас эмар мудроқ йўлаклар.

Сукунат оқади осмон бағрида,
Ювиб оқ зулматнинг соҳилларини.
Қув шамол эрмакдек сийпалар тинмай,
Оғироёқ боғнинг кокилларини.

Ва уйқу пуркайди деворлар оша,
Осмоннинг бағрида бўғиқранг тутун.
Маъсума анҳорнинг лаби оралаб,
Кўринмас шарпадек ўтиб борар тун.

***

Қип-қизил кулгулар учар лабимдан,
Армон шохларидан орзу терайман.
Эй жон, сиз қалаган соғинч ўтида,
Кўнглимда кулчалар ёпиб берайман.

Ҳаловат тиланиб ёлворманг тунга,
Оқруҳ висоллардан оқ яктак бичай.
Ҳислар-ла зеб бериб кашталай унга,
Тахир фироқларни чой қилиб ичай.

Эй жон, кўзингизда ўшшаяр виқор,
Умидлар бўялди кузак рангига.
Дийдордан дўппилар тикибман бедор,
Кечаларни чоклаб саҳар енгига.

Илинжлар мўлтайди йўлакка маҳтал,
Кўрганим ҳасратни қучиб суйганим.
Шу шаддод нигоҳлар чоғланар ҳар гал,
Дилимни хинога бўяб қўйгани.

Эй жон, ҳижрон ҳиди инар хобимдан,
Қайноқ ҳажрингизда мойдай эрай ман.
Ҳар кеч сиз қалаган соғинч ўтида,
Кўнглимда кулчалар ёпиб берай ман.

Кўнглимда кулчалар узиб берайман.

***

Мани рўёлари бормоқда ютиб,
Тезгир дақиқалар жонимга ташна.
Эгам, дунёларинг баҳридан ўтиб,
Кетгим келаяпти юракни ташлаб.

О, ҳур фасллардан оғринар кўзим,
Кўксимда хотирнинг синиқ тафтлари.
Сўниқ ҳасратлардан бормоқда тўзиб,
Далли армонларнинг оппоқ патлари.

О, эрка тонгларни кўкларга отдим,
Кундузлар қақратган қурғоқларида.
Муниса шомлар-ку, бағримга ботди,
Тунлар ҳайдадилар қирғоқларидан.

Шодлик-ку, азалдан манга ўгайдир,
Киприкдай тўкилди ғамларга кўнглим.
Мен тамом, емрилдим...
Йўқликда дайдиб,
Рўёлар алқаган оламга кўндим.

Беранг лаҳзалари бормоқда ютиб,
Йўқлик оралайман... Дил хун, юрак кир.
Борар рўёларинг жонимдан ўтиб,
Эгам, рўёларинг мулкида не сир.

***

Хазонимда кўз очди ишқим,
Хазонимда юрак нафаси.
Ёдим аро чиннигулларнинг,
Ифорлари келмоқда босиб.

Илиқ кунлар улашдилар бахт,
Кенгликларда чопди ҳисларим.
Билмагандим, Наҳот Азизим -
Сизни бевақт топди ҳисларим.

Ҳасратлардан озурда тунлар,
Қай илинжла кундузни кутай?
Аёзларда кўкарган ишқни
Қай бегона кўнгилга тутай.

Сиз баҳорга ташнасиз, бироқ,
Мен баҳордан бегона жуда.
Кетдим... Сизсиз яшайман мангу,
Кузнинг кўҳна салтанатида.

Кетдим... Гуллар алқади сизни,
О, баҳорга аталган мардим.
Хазонимда сиз эмас энди,
Кўмар мени қадрдон дардим.

НОЛА

Эгам, кетмоқликнинг осони бунча,
Озорлари бунча кетказмоқликнинг?!
Висолни ҳижронга ютказмоқликнинг.
Эгам, кетмоқликнинг осони бунча.

Ишқ, дедим, бошимга дорлар келдилар,
Ҳасратлар келдилар жонимга талаш.
Бағримни бағирлаб жоним қонталаш,
Ишқ, дедим, бошимга дорлар келдилар.

Тушларнинг ёдига айланди эртак,
Кунлари кундада бошимни янчди.
Тунлар сукунати қонимни ичди,
Тушларнинг ёдига айланди эртак.

Тўкилдим баҳорлар остонасида
Қаҳратонлар елди бошимга бугун.
Балоғат қучмаган ёшимда бугун
Тўкилдим баҳорлар остонасида.

Соғинчни армонга ютказмоқликнинг,
Бир гулни аёзга тутқазмоқликнинг
Эгам, кетмоқликнинг осони бунча,
Озорлари бунча кетказмоқликнинг?!

***

Кундузлардан хафаман ёмон,
Тунларданам гинам бор рости.
Сирлар мендан сир кўчган замон,
Беранг ҳислар кўзимни босди.

Кетавердим номаҳрам йўллар,
Борар манзил келмай ҳушимга
Ва жимгина тикилавердим,
Ўз-ўзимнинг тўкилишимга.

Оҳ, онларнинг митти карвони,
Кўзларимдан ўтиб кетдилар.
Сиз қолдирган кўҳна изларни,
Рўёларга сотиб кетдилар.

Соғинмадим баҳорни, ёзни
Қаҳратонлар бошимда елди.
Тунлар чўкди беоташ, беун,
Кунлар бизни айираверди.

***

Кунлар тўкиб ўтар заминга фарах,
Илиқ илинжларга кўнгил боғладим.
Чопар этагини ғижимлаган вақт,
Таниш хотирларим изтиробладн.

Далли ҳасратимдан чангиган юрак,
Андуҳлар барқ урар кўксимда гулгун,
Энг сўнгги онини кузатар бу пайт,
Ўн олтим армони узундан-узун.

Баргларда рақс тушар еллар шодумон,
Сеп илар мезоннинг олтин онлари.
Ўн олтим олислаб борар беомон,
Юзимдан ўпичлар оқ ҳижронлари.

Хазонрез боғларда тентир лаҳзалар,
Япроқлар куйлайди куздан ҳур қўшиқ.
Вақт бошлаб беради дардли бир сафар,
Ўн еттим оҳиста чертқилар эшик.

ХАЁЛ

Балки, балки эрта ё бугун
Ва ё бугун ва ёки эрта
Паризодлар келмасдан бурун,
Мен эртакда бўламан эрка.

Балки, балки бугун ё эрта
Ва ё эрта ва ёки бугун
Кўҳи Қофнинг чўққиларида
Малак бўлгум шамолдан бурун.

Балки, балки эрта ё бугун
Ва ё бугун ва ёки эрта
Севиб қолса оппоқ булутлар,
Осмонларга бўлгум малика.

Балки, балки...

МУНДАРИЖА

Қайғу ... 3
«Мискин туйғуларга...» ... 3
Ватанни англаш ... 4
Ҳуррият тонги ... 5
Зомин этакларида ... 7
Она ... 8
Ҳижронли хона ... 9
Ҳали эртак тугаганча йўқ ... 10
Исмигул ... 11
Кўнглим ... 12
Бугун ... 13
Ҳайрат ... 14
Тун қуши ... 15
Ташқарида изиллар ёмғир ... 16
Юрак ... 17
«Висол остонамда...» ... 18
Нигоҳинг ... 19
Сўнгги қўнғироқ ... 19
Аслида ... 20
«Сочимдан...» ... 21
«Бир куни кетарман...» ... 22
Изтироб ... 23
«Армонларнинг этагин тутиб...» ... 23
«Гарчи давраларда...» ... 24
«Маъюслик аллалар....» ... 25
«Балки мен мағрурман...» ... 26
«Ой хиралар...» ... 26
«Азизим...» ... 27
Тонг ... 28
«Ўн тўртимнинг хотирлари...» ... 28
«Хотиралар бирма-бир...» ... 29

«Насижон...» 30
«Тун аста елкамга...» 31
Эртакли тонг 32
«Фироқнинг куйлаги...» 33
«Мағрур шамоллардан...» 34
«Юрак ноласини...» 35
«Дарахтман...» 36
«Мени соғинтирди...» 36
«Гулим гулзорингнинг...» 37
«Фалакнинг хобига...» 38
«Кулранг рўмолини ўради қамар...» 38
«Қип-қизил кулгулар...» 39
«Мани рўёлари бормоқда ютиб...» 40
«Хазонимда...» 41
Нола 42
«Кундузлардан хафаман...» 43
«Кунлар...» 44
Хаёл 45

Адабий-бадиий нашр
Кўнглим. Наргиза Охунова
(Шеърлар)

Муҳаррир: Толибжон Рўзибоев
Мусаҳҳиҳ: О. Раҳмонов

«Овоза» газетаси компьютер марказида териб, саҳифаланди.
«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй.

Босишга берилган вақти 1 июнь 2005 йил.
Буюртма № 1021. Адади 1000 дона.